

**БОЛАГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЗЎРАВОНЛИКЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ ВА
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ.**

Турсунова Мархабо Баходировна

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти кафедраси ўқитувчиси, подполковник*

Аннотация: Ушбу мақолада кўплаб ривожланган хорижий мамлакатларда болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонликларнинг вужудга келиш тарихи ва зўравонликларнинг олдини олиш бўйича мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёритилган.

Таянч сўзлар: қонун, бола ҳуқуқлари, омбудсман, вояга етмаган шахс, зўравонлик, зўрлик тушунчаси, руҳий таъсир, Авесто

Аннотация: В данной статье описывается история насилия над детьми во многих развитых зарубежных странах и нормативно-правовые акты, принятые в нашей стране по защите прав детей по предотвращению насилия.

Ключевые слова: закон, права ребенка, омбудсмен, несовершеннолетний, насилие, концепция насилия, психологическое воздействие, Авеста

Ўзбекистонда шафқатсиз муомала ҳолатларини олдини олишга катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги 3827-сонли Қарорида вояга етмаганларга нисбатан шафқатсиз муомала ҳолатларини эрта аниқлаш ва уларга мажмуавий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиб, “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, оилавий-маиший зўрлик ишлатилишининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”¹⁴ги 829-сонли Қонунида ҳам вояга етмаганларни ҳимоялашга тааллуқли моддалари мавжуд.

Ўзбекистонда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг талабларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, оилада ҳам уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, болаларга нисбатан оилавий муҳитдаги ҳуқуқларини ҳимояга қилишга доир халқаро стандартларни имплементация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида

¹⁴ ЎРК-829 сонли 2023 йил 11 апрель “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида шу жумлаларга эътироф этиб ўтган: “Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислохотларими қўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”¹⁵. Бу жамиятнинг яшовчанлиги ва унинг келажақдаги ривожини прогноз қилишда ўсиб келаётган авлод ҳал қилувчи роль ўйнашини англатади¹⁶.

Халқаро амалиётда қабул қилинган “Болага нисбатан зулм” атамаси ўзида “эҳтиётсиз муносабат” ҳамда “Ташлаб қўйилганлик” тушунчаларини ўзида мужассам этади. Болага нисбатан зулм – боланинг ихтиёрига зид равишда ёки унинг кўмакка муҳтож ҳолатидан фойдаланиб, унинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини бузувчи жисмоний, жинсий ва руҳий таъсир кўрсатишдир. Мазкур таърифга биноан, зулмнинг жисмоний, жинсий ва руҳий кўринишлари ажратиб кўрсатилади. Болалар дуч келадиган зўравонликнинг кўринишлари унинг ёши ва ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Бундай ўзгаришлар бола ўз уйидан ташқаридаги олам билан мулоқотга кира бошлаганида, айниқса яққол сезилади. Болалар ривожланиб баробарида улар мустақил улғайиб борадилар ва ўз уйларида ташқарида ўтказадиган вақт ҳам ортиб боради; шунинг учун ҳам каттароқ ёшдаги болаларнинг ўз уйлари ва оилаларидан ташқарида зўравонлик қурбонига айланиш эҳтимоли юқорироқ бўлади¹⁷.

Болалар ноқонуний никоҳсиз туғилган, яширин тарзда туғилган, ногирон ёки касал туғилган, боланинг отаси ёки она номаълум, деган вазият билан бу тоифадаги болалар билан ноҳолис муносабат қилинган, таҳқирланган, ҳатто жисмонан йўқ қилиб юборилган. Бу масалада тарихнинг гувоҳлик беришича қадимги Спартада ногирон туғилган болалар тириклайин ўлимга маҳкум қилинган, Қуръони Карим нозил қилингунига қадар қиз боланинг дунёга келиши фожиа саналган. Кейинчалик бола ота ва онанинг хоҳиши билан дунёга келиши, у дунёга келгандан сўнг табиатнинг меваси сифатида эътироф этилиши ва бола жамиятнинг келажаги эканлиги англаб етилган. Бунинг исботи сифатида, 312 йилда Император Константин болани ўлдириб юбориш ва ташлаб юборишнинг олдини олишга қаратилган биринчи қонунни қабул қилган. Бу муаммони ижобий ҳал қилиш мақсадида 716-йилда Италиянинг Милан шаҳрида ташлаб кетилган болаларни боқиб олишга мўлжалланган Болалар уйи ташкил

¹⁵ 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси.
<http://president.uz/uz/lists/view/4057>

¹⁶ И.Зоирова 2022 йил магистрлик диссертацияси .

¹⁷ <https://academicsresearch.ru/index.php/rnsrij/index>

э тилганлиги тарихдан маълум. Масалан, «Авесто»да нафақат туғилган бола, балки она қорнида бўлган болалар ҳуқуқини алоҳида муҳофаза қилиш муҳимлиги назарда тутилган. Ҳомиладор аёл ҳомиласини олдириб ташлаши ёки бошқа йўл билан тушириши гуноҳ ҳисобланиб, айбдорлар ўлим жазосига маҳкум этилган¹⁸.

«Авесто»да таъкидланишича, ўсмирлар 15 ёшда балоғатга етган ва турмуш қуриш ҳуқуқига эга ҳисобланган. Унда боланинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилиб, «ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало, яхши хулқли, одобли бўлсин, яхши ўқишни, сўнгра ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин»¹⁹ дейилган.

Бундан ташқари, балоғатга етмаганларни ота-онасидан узоқ лаштириш ва васийликни тайинламаслик энг оғир жиноят ҳисобланган.

«Авесто»га кўра жамият 4 асосий тоифага бўлинган: уй, оила жамоаси, уруғ жамоаси, қабилалар. Ана шу таомилга кўра бола ва унинг жамиятдаги мавқеига катта эътибор қаратилган.

Қуръони Каримда белгиланган болаларнинг ҳуқуқи ҳадисларда ривожлантирилган. Боланинг оилада тарбияланиши унинг асосий ҳуқуқи э канлиги, бу унинг соғлом ўсиши учун моддий ва маънавий омил ҳисобланиши таъкидланади.

XVI-XVII асрларда Қадимги Русда Христиан динининг пайдо бўлиши натижасида руҳоний томонидан болаларга нисбатан раҳм-шафқат ғояларини тарғиб қилиш орқали «болалардек бўлинг» деган янги муносабатлар ўрнатила бошланган. Бутун Рус императори Алексей Романов (1645-1676-йиллар) давридан бошлаб, то XIX асрнинг охиригача бўлган даврда болалар ҳуқуқига нисбатан қонун асосида тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 1649-йилда қабул қилинган «Тузуқлар» (Уложения)да белгиланган қоидаларга кўра боланинг туғилиши, никоҳсиз туғилган болага нисбатан муносабат белгиланган бўлиб, уни Россия тарихидаги биринчи юридик ҳужжат сифатида айтиш мумкин.

Пётр II даврида она томонидан гўдакнинг ташлаб кетилиши давлатга қарши жиноят сифатида баҳоланган. Чунки давлатни кучли ва қудратли бўлиши император Пётр II нинг фикрига биноан бақувват ва қудратли эркаклар мавжудлиги билан боғлиқ саналган. Шу сабабдан боланинг давлат ҳимоясида бўлиши давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала ҳисобланган. Масалан, 1706-йилда Россияда биринчи бўлиб Иова Благочестив ташлаб кетилган болаларни асраш ва тарбиялаш мақсадида етим хоналар ташкил этган. Пётр II даврида бундай етим хоналар Россияда кўплаб қурилган ва улар давлат ҳимоясига олинган. Шундан кўриниб

¹⁸ Allanazarov Murod Mirzayevichning "Bola huquqlarining vujudga kelishi tarixi va O'zbekistondagi taraqqiyoti" maqola 2023 yil

¹⁹ Avesto. O'zbekcha tarjima (Asqar Murodov tarj.) T.:2001.

турибдики, Россияда болалар ҳуқуқи эътироф этилган ва у қаттиқ ҳимояга олинган.

Россияда 1754-1766-йилларда «ўз болаларини ўлдирган ота-оналар ҳақида»ги Жиноят тузуклари қабул қилиниб, унга кўра ўз боласини қасддан ўлдириш билан боғлиқ жиноий ҳаракатларни содир этган ота-она жиноий жавобгарликка тортилган. Бу каби жиноятларни содир этган ота-она жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, умрбод узоқ ўлкаларга каторга қилинган, аёллар эса черковга жойлаштирилган.

Александр 1 (1777-1825-йиллар) даврида никоҳсиз туғилган болаларнинг ҳуқуқий ҳолати қатъий тартибда белгиланган. Фақат Николай 1 (1796-1855) даврига келиб бола ҳуқуқига нисбатан белгиланган ҳуқуқий тартиб бирмунча енгиллаштирилган.

1892-йилда Россияда камбағал ва касал болаларни ҳимоя қилиш мақсадида «Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўлимлари» ташкил этилган. Бу ҳаракат болаларни ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки амалий хатти-ҳаракатлардан бири ҳисобланади. 1869-йилдан то 1894-йилга қадар Россияда болаларни ошкора тарзда болалар уйи(етимхона)га жойлаштириш тўғрисида ҳукумат қарорлари қабул қилинган²⁰.

Ушбу қарорларга кўра болаларни дам олиш кунлари оилаларга бериш, фарзандсиз оилаларга етим болаларни фарзандликка бериш, фарзандликка берилганларга нисбатан зулм ва зўравонлик қилишнинг олдини олиш, бола тарбияланаётган оиланинг доимий назоратга олиниш каби масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бугунги кунда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда дунёнинг кўплаб мамлакатларида Болалар омбудсмани фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг асосий вазифаси “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенсия қоидаларини қонунчиликка татбиқ этиш, боланинг шахси, шаъни, кадр-киммати, ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари ҳимоясига бутун жамият ва давлатни фаол жалб этишдан иборат²¹.

Болалар ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими биринчи бўлиб Норвегияда 1982 йилда таъсис этилган. Швесияда эса бундай институт 1993 йилда фаолият бошлаган. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида болалар бўйича Омбудсман институти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан Европада (Австрия, Белгия, Германия, Дания, Исландия, Испания, Люксембург, Россия, Норвегия, Финляндия, Швесия) ва Лотин Америкасида (Гватемала, Колумбия, Коста-Рика, Перу), шунингдек Канада, Исроил ва Янги Зеландияда. Болалар учун омбудсман институти ва унинг яратилиши мамлакатимизнинг БМТнинг Бола ҳуқуқлари

²⁰ Rustambayev M.X. Inson huquqi . O'zbekiston Respublikasi jamoat xafvsixligi universiteti T.:2022. 145-bet.

²¹ Д.Умаралиева “Пробация хизматининг профилактика фаолияти тушунчаси ва моҳияти” 2024 йил 03 июнь journal of international scientific research

тўғрисидаги конвенсияси бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилишнинг ажралмас қисмидир²².

Кўпгина хорижий мамлакатларда Болалар омбудсмани фаолияти махсус қонунлар билан тартибга солинади (Полша - 2000 йил 6 январдаги "Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман тўғрисида"; Ирландия - "Болалар бўйича омбудсман тўғрисида" (2002); Франция - "Бола ҳимоячиси тўғрисида" 2000 йил 6 март; Швесия - 1993 йил 1 июлдаги "Болалар омбудсмани тўғрисида"ги қонун; Литва - 2000 йил 25 майдаги "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назорати тўғрисида"ги қонунлар). Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби бола ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг ишлаб чиқишига Конституциямиз асос бўлиб хизмат қилмоқда.²³

Мамлакатимизда 1992 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Болалар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенсиянинг ратификация қилиниши болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий мақомини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш каби вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда²⁴.

Сўнгги йилларда бола ҳуқуқлари йўналишида Ўзбекистонда амалга оширилган муҳим ўзгариш сифатида Президентнинг 2021 йил 9 августдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6275-сонли фармонида асосан Болалар омбудсмани институтининг жорий қилинишини айтиш мумкин.

Ўз навбатида, «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварликни кучайтириш мақсадида уларни жиноий жавобгарликка тортиш ёшини ўн уч ёшдан ўн тўрт ёшга кўтарилди, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар, хусусан, Жиноят кодексининг 128 ва 129-моддаларининг жазо чораларини кучайтирилди²⁵.

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон

1. ²² Австралия ҳукумати. Аёллар ва уларнинг болаларига нисбатан зўравонликни камайтириш миллий режаси.

²³ Askarova Elmira Polatovna "Comparative analysis of kazakhstan's experience in organizing the activities of the probation service" i T.:08.01.2025 y. 27-31 v

²⁵ А.Бобораҳимов 23.03.2023 йил мақоли "Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик қилган ёки қилиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш"

хуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилиши натижасида мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институтсиноал асослари янада мустаҳкамланди. Шунингдек, 2024-йил 29-февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисидаги ЎРҚ-917-сонли қонуни қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2024 йил 21 октябрь куни ЎРҚ-978-сонли қонуни қабул қилинди. “Болаларга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланди”²⁶.

Мазкур қонунинг қабул қилиниши, юртимиздаги болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликларнинг виқтимлашувини шакллантирувчи ва уни янада жонлантирувчи турли хил муаммоларни чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилган ҳолда болаларнинг зўравонликдан жабрланишни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш нафакат ички иш органлари томонидан балки, бола ҳуқуқлари вакили (Болалар омбудсмани) олдида турган асосий вазибалардан бири десак хато бўлмайди²⁷.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз ворислари сифатида қадрланиб, уларга ғамхўрлик қилиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратилишиб келинаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда болаларнинг зўравонликка учрашининг олди олиниб, уларга таълим олиши, касб-ҳунар эгаллашлари ва орзу интилишларини рўёбга чиқаришга зарур шароитлар яратилса, уларда олдинга интилиш, қонунларга ишонч ва ҳурмати ошиб, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, етук, ҳур фикрли авлод сифатида камолга етишишига хизмат қилади.

Болалар омбудсмани фаолиятини қонуний тартибга солишдан, унинг сиёсий мақомини кучайтиришдан ва ваколатлари таъсирчанлигини оширишдан ягона бирдан бир мақсад - юртимизнинг ҳар бир кичик фуқароси, ҳар бир бола унга Конституция ва қонунларда қафолатланган барча ҳуқуқ - имкониятларидан тенг ва тўла фойдалана олишини таъминлашдир.

²⁶ <https://www.gazeta.uz/uz/2024/08/15/protecting-children-from-violence/>

²⁷ О‘збекистон Республикаси Президенти Фармойиши. 2017-2021-йилларда О‘збекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini kelgusida amalga oshiri sh chora-tadbirlari to‘g‘risida. 2017-yil 15-avgust, F-5024-son

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи// “Халқ сўзи”, 2017-йил 20-сентябр.
2. Авесто. Ўзбекча таржима (Асқар Маҳкам тарж.) Т.:2001.
3. Рустамбайев М.Х. Инсон ҳуқуқи . Ўзбекистон Республикаси жамоат ҳафсхлиги университети. Т.:2022. 145-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017-йил 15-август, Ф-5024-сон
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, 1-модда. 1989-йил.
5. **Ливингстон, Ж.** 2018-йил. Оиладаги зўравонликнинг болалар ва ўсмирларга таъсири. Оилавий зўравонлик журнали, 33(6), 415-420-бетлар.
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти. 2018-йил. Аёлларга нисбатан зўравонликнинг тарқалиши тахминлари.
6. **Эсанова З., Туляганов А, Якубова Д., Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши: назарий таҳлиллар ва амалий тадқиқотлар. Т., 2020 й. 255 бет.**
7. Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлиги. Аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги қонун.
8. Австралия ҳукумати. Аёллар ва уларнинг болаларига нисбатан зўравонликни камайтириш миллий режаси.
9. Ҳиндистон ҳукумати. Аёлларни уйдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, 2005-йил.